РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12Tib.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСМАИЛОВА УМИДА АБДУЛЛАЕВНА

МУЛТИФОКАЛ ВА МУЛТИЦЕНТРИК СУТ БЕЗИ САРАТОНИНИНГ КЛИНИК КЕЧИШИ ВА ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.14 – Онкология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2026

УЎК:616-089.3+616.33

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)

Исмаилова Умида Абдуллаевна
Мултифокал ва мултицентрик сут бези саратонининг
клиник кечиши ва даволаш тактикаси хусусиятлари…….....3

Исмаилова Умида Абдуллаевна
Особенности клинического течения и тактики лечения
мультифокального и мультицентрического рака молочной железы.....22

Ismailova Umida Abdullayevna
Characteristics of the clinical technology and treatment tactics
for multifocal and multicentric brast cancer.....42

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....45

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12Tib.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСМАИЛОВА УМИДА АБДУЛЛАЕВНА

МУЛТИФОКАЛ ВА МУЛТИЦЕНТРИК СУТ БЕЗИ САРАТОНИНИНГ КЛИНИК КЕЧИШИ ВА ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.14 – Онкология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.1.PhD/Tib5522 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Атаханова Нигора Эргашевна** тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Ходжаев Абдувохид Валиевич** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Алимходжаева Лола Телмановна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Самарқанд давлат тиббиёт университет**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/2025.27.12.Tib.15.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил « _ _ » _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Автомобил халқа йўли кўчаси, 14а уй. Тел: (+998) 55 515-55-68; e-mail: info@cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин _____-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Автомобил халқа йўли кўчаси, 14а уй. Тел: (+998) 55 515-55-68.

Диссертация автореферати 2026 йил «_____» _____куни тарқатилди.

(2026 йил «____» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

А.А. Юсупбеков
Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш раиси тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.Т. Мадиёров
Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

А.Ж.Каххаров
Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва заруриати. Дунёда сут бези саратони (СБС) аёллар орасида хавфли ўсмаларнинг энг кенг тарқалган шакли бўлиб, унинг касалланиш даражаси тобора ортиб бормоқда. Магнит-резонанс томография (МРТ) каби замонавий нурли визуализация технологияларининг ривожланиши билан операциядан олдинги ташхис қўйишда муҳим ўрни тутади. «...СБСнинг кўп ўчоқли ва кўп марказли шаклларини аниқлаш ҳамда уларнинг тарқалишини янада аниқроқ ва ўз вақтида баҳолаш имконини беради. Замонавий ташхислаш усуллари ушбу параметрларни юқори аниқликда аниқлаш имконини беради, бироқ мавжуд башоратлаш моделлари кўпинча уларнинг комплекс таъсирини етарлича аниқ ҳисобга олмайди, бу эса терапияни индивидуаллаштириш ва даволаш стратегияларини оптималлаштириш имкониятларини чеклайди...» [1] . Дунёда барча асосий параметрларни бирлаштирувчи кўп омилли башорталаш модели, нохуш натижалар хавфини баҳолаш аниқлиги, тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш ва замонавий онкологик менежментнинг муҳим йўналиши бўлган сут бези саратонининг турли хил турлари билан хасталанган беморларни даволашга шахсий ёндашувларни ишлаб чиқиш бугунги кунда замонавий онкологиянинг ҳал қилиниши лозим долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда мултифокал ва мултицентрик сут бези саратонининг клиник кечиши ва даволаш тактикасининг хусусиятлари баҳолаш бўйича қатор мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада сут бези ўсмаларининг клиник, морфологик, молекуляр-биологик хусусиятлари ва уларнинг ўсиш тури ўртасидаги боғлиқликни, сут бези ўсмаларининг ҳажмининг клиник-морфологик хусусиятлар билан боғлиқлиги ва касалликнинг оқибатларини башоратлаш ҳамда беморларда даволанишни самарадорлигини башоратлаш градацияни ишлаб чиқиш, сут бези ўсмаларининг метастазланиш, зўрайиш ва умумий яшаб қолиш хавфига сезиларли таъсир кўрсатадиган асосий кўрсаткичларни аниқлаш ҳамда сут бези ўсмаларининг морфологик, молекуляр-биологик омилларни ҳисобга олган ҳолда сут бези саратони билан хасталанган беморларда салбий оқибатларнинг юқори хавфини аниқ башорат қилиш имконини берувчи регрессия ва ROC-таҳлил усуллари асосида кўп омилли башорат моделини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли онкологик касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устивор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...» [2] каби

---

[1] Elizaabet Avera, Lilia Valentic. Current understanding and distinct features of multifocal and multicentric breast cancers. // Cancer Reports. Volume6, Issue9 September 2023 https://doi.org/10.1002/cnr2.1851;

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда мултифокал ва мултицентрик сут бези саратонининг клиник кечиши ва даволаш тактикасининг хусусиятлари борасида тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866-сон «Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2021 йил 27 майдаги ПҚ-5130-сон «Аҳолига гематологик ва онкологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий-профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сут бези мултифокал ва мултицентрик саратони муаммосининг ўрганилганлик даражаси касалликнинг бир томонлама унифокал шаклларига нисбатан нисбатан пастлигича қолмоқда. Молекуляр диагностика, ўсмаларнинг морфологик ва клиник хусусиятларини баҳолаш соҳасида сезиларли ютуқларга қарамай, аксарият халқаро тадқиқотлар ва клиник тавсиялар асосан унифокал ва билатерал ўсмаларга бағишланган бўлиб, бу мултифокал ва мултицентрик шаклларга оид маълумотларнинг етарли эмаслигини кўрсатади (Avera S. et al., 2023; Liu J., Zhou X., Sun Q, 2024). Мултифокал ва мултицентрик ўсмалар битта без ичида ёки турли бўлакларда жойлашган патологик жараённинг бир нечта ўчоқлари мавжудлиги билан тавсифланади, бу эса уларнинг биологик хусусиятлари ва прогностик салоҳиятини баҳолашни мураккаблаштиради. Бундай ҳолларда ўсма ҳажмини, касаллик босқичини, шунингдек, молекуляр хусусиятларни баҳолашнинг анъанавий усуллари тўлиқ бўлмаган ёки ҳатто нотўғри маълумот бериши мумкин, бу эса аниқ ташхис қўйишни, жарроҳлик ва тизимли даволашни режалаштиришни, шунингдек, натижани башорат қилишни қийинлаштиради (Angelo Rezo, 2011; Elizabeth Avera, 2023). Халқаро тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мултифокал ва мултицентрик шакллар кўпинча бир камерали ўсмаларга нисбатан қайталаниш, метастазланиш ва умумий яшовчанликнинг ёмонлашуви хавфи юқорилиги билан боғлиқ, бироқ уларнинг механизмлари ва биологик хусусиятларининг ўзига хос хусусиятлари етарлича ўрганилмаган. Шу муносабат билан, бундай

шаклларни баҳолаш учун махсус усуллар ва мезонларни ишлаб чиқиш, шунингдек, кўплаб ўчоқларнинг тарқалиши ва морфологияси, уларнинг молекуляр гетерогенлиги ва улар ўртасидаги ўзаро таъсир хусусиятларини ҳисобга оладиган кўп омилли ва мултицентрик прогноз моделларини яратиш зарурати туғилмоқда (Avera E., Valentic L., 2023, Э.А. Аршба 2021, П.И. Куприянов 2023).

Бугунги кунда Ўзбекистонда сут бези хавфли ўсмалари эпидемиологияси, диагностикаси ва даволаш соҳасида қуйидаги илмий-тадқиқот ишлари бажарилган: маҳаллий тарқалган сут бези саратонини даволашни яхшилаш йўллари (Л.Т. Алимходжаева, 2011, А.В. Ходжаев 2021); сут бези саратонини ташхислаш, даволаш ва прогнозлашда ўсма микромуҳитининг роли (А.Ж. Каххаров, 2023), бироқ, мултифокал ва мултицентрик сут бези саратонининг клиник кечиши ва даволаш тактикасининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилмаган.

Шундай қилиб, сут бези саратонининг молекуляр маркерлари ва морфологик белгилари бўйича сезиларли ҳажмдаги тадқиқотлар мавжудлигига қарамай, кўп ўчоқли ва кўп марказли шакллар учун ташхислаш аниқлигини ошириш, хавфни баҳолашнинг мослаштирилган мезонларини ишлаб чиқиш ва даволаш стратегияларини оптималлаштириш масалалари долзарб ҳисобланади. Ушбу вазифаларни ҳал қилиш шахсий терапиянинг самарадорлигини оширишга ва рецидив хавфини камайтиришга ёрдам беради, бу эса мултифокал ва мултицентрик ўсмалар муаммосини замонавий клиник амалиётда ва сут бези онкологияси бўйича илмий тадқиқотларда юқори долзарбликка эга қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 01.01500212.-001 «Инсоннинг жарроҳлик касалликларини ташхислаш ва даволашнинг патогенетик асосланган усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш» (2023–2027 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: сут бези саратонининг мултифокал ва мултицентрик шаклларини клиник, морфологик, молекуляр-биологик хусусиятлари асосида интеграциялашган кўп омилли башоратлаш моделни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сут бези саратонининг клиник, морфологик, молекуляр-биологик хусусиятлари ва уларнинг ўсиш тури ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш;

сут бези саратонининг ҳажмининг клиник-морфологик хусусиятлар билан боғлиқлиги, касалликнинг оқибатларини башоратлаш орқали беморларда даволанишга бўлган муносабатни баҳолаш;

сут бези саратонининг билан касалланган беморларда метастазланиш, зўрайиш ва умумий яшовчанлик хавфига сезиларли таъсир кўрсатадиган асосий кўрсаткичларни аниқлаш ҳамда уларни даволаш самарадорлигини яхшилаш;

сут бези саратонининг морфологик, молекуляр-биологик омилларни ҳисобга олган ҳолда сут бези саратони билан хасталанган беморларда салбий

оқибатларнинг юқори хавфини аниқ башорат қилиш имконини берувчи регрессия ва ROC-таҳлил усуллари асосида кўп омилли башорат моделини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти: Тадқиқотга 2011-2022 йилларга бўлган даврда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг Тошкент шаҳар филиали негизида сут бези саратони ташхиси тасдиқланган 100 нафар беморлар киритилган.

Тадқиқотнинг предмети: Мултифокал ва мултицентрлик сут бези саратонининг клиник кечиши ва даволаш тактикаси хусусиятларини, ўсма ҳажмининг клиник-морфологик хусусиятлар билан ўзаро боғлиқлигини баҳолаш, касаллик оқибатларини прогнозлаш, шунингдек, регрессион таҳлил ва ROC-таҳлил асосида ишлаб чиқилган кўп омилли прогностик моделнинг беморлар яшовчанлигини баҳолаш ва метастазланиш хавфини аниқлашдаги ролини белгилаш учун фойдаланилган материаллар.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда сут бези саратонининг мултифокал ва мултицентрик шаклларини клиник кечиши ва даволаш тактикасининг ўзига хос хусусиятлари баҳолаш клиник, лаборатор, инструментал, патогистологик, иммуногистокимёвий ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сут бези саратонининг ўсиш тури ва ўсманинг ҳажми, гистологик тури ва босқичи каби клиник-морфологик хусусиятлар ўртасидаги боғлиқлик статистик жиҳатдан аҳамиятлиги, мултифокал ва мултицентрик ўсмаларнинг юқори тажовузкорлиги ва хавфли башоратлашни акс эттириш тартиби ишлаб чиқилган;

сут бези саратонининг ўсиш тури ўсманинг умумий ҳажми Ki-67 пролифератив маркери даражаси билан сезиларли боғлиқликни кўрсатмаслиги, сут бези саратонида ўсиш турининг гетерогенлигига чекланган боғлиқлигининг ўрни асосланган;

сут бези саратони билан хасталанган беморларда ўсма ўсишининг мултифокал ва мултицентрик тури саратоннинг уч карра манфий ва HER2-neu мусбат турининг юқори тарқалиши билан чамбарчас боғлиқлиги, уларнинг янада тажовузкор бўлишига, даволашга чидамлилигининг ошиши ва унифокал ўсишга нисбатан башоратлаш тизимининг ёмонлашишига олиб келишидаги ўрни исботланган;

сут бези саратони билан хасталанган беморларда ўсманинг мултифокал ва мултицентрлик ўсиш турларининг ноқулай оқибатларнинг мустақил прогностик омиллари сифатидаги роли, шунингдек, уларнинг метастазланиш хавфининг ортиши, касалликнинг прогрессияси ва яшовчанликнинг пасайиши билан узвий боғлиқлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сут бези саратонининг мултифокал ва мултицентрлик шакллари билан хасталанган беморларда уларнинг ноёб морфологик ва молекуляр хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда нохуш натижалар хавфини аниқроқ аниқлаш имконини берган;

асосий предикторларни аниқлаш ва прогностик моделни яратиш терапияни индивидуаллаштириш, даволашнинг энг самарали усулларини танлаш ва қайталанишларнинг олдини олиш тартиби ишлаб чиқилган;

сут бези саратонининг мултифокал ва мултицентрлик шакллари билан хасталанган беморларда ўсманинг ўсиш тури ва у билан боғлиқ хусусиятлар ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш кузатув бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқилган;

сут бези саратонининг мултифокал ва мултицентрлик шакллари билан хасталанган беморларда миллий клиник протоколларни янгилаш, скрининг ва профилактика дастурларини ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган пациентлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор, инструментал, патогистологик, иммуногистокимёвий ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, мултифокал ва мултицентрик сут бези саратонининг клиник кечиши ва даволаш тактикасининг хусусиятларини башортлашда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланган, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мултифокал ва мултицентрлик сут бези саратони патогенезида морфологик, молекуляр ва клиник хусусиятларнинг ўрни, ўсманинг ўсиш тури ва унинг биологик белгилари ўртасидаги омиллараро боғлиқликлиги, башорталаш агрессивлик билан боғлиқ янги параметрларнинг ўрни, хасталик хавфини баҳолашнинг аниқроқ ва кенг қамровли моделларини ишлаб чиқишнинг назарий асосларини ўрни кўрсатилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, сут бези саратонининг мултифокал ва мултицентрик шакллари билан хасталанган беморлар учун ташхис қўйиш, башоратлаш ва даволашнинг янада аниқ ва шахсийлаштирилган стратегияларини яратиш, ишлаб чиқилган моделларнинг клиник амалиётга жорий этилиши даволаш ёндашувларини оптималлаштириш, индивидуаллаштирилган даволаш сифатини ошириш, қайталаниш ва метастазланиш хавфини камайтириш, яшовчанлик кўрсаткичларини яхшилаш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатига сезиларли таъсир кўрсатишнинг ўрни баҳоланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Мултифокал ва мултицентрик сут бези саратонининг клиник кечиши ва даволаш тактикасининг хусусиятлари бўйича олинган натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: сут бези саратонининг ўсиш тури ва касалликнинг ҳажми, гистологик тури ва босқичи каби клиник-морфологик хусусиятлар ўртасидаги боғлиқлик статистик жиҳатдан аҳамиятлиги, мултифокал ва мултицентрик ўсмаларнинг юқори тажовузкорлиги ва хавфли башоратлашни акс эттириш тартиби ишлаб чиқилганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат тиббиёт университетининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2026 йил 31 мартдаги 03-26/1017-t-сон билан тасдиқланган «Методика оценки

риска развития и прогноза рака молочной железы у пациентов с различными морфологическими типами роста опухоли» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий вилоят филиали бўйича 24.04.2026 йилдаги 102-сон ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё филиали бўйича 07.05.2026 йилдаги 66-Т-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2026 йил 10 июндаги 10/77-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* сут бези саратонининг ўсиш тури ва касалликнинг ҳажми, гистологик тури ва босқичи каби клиник-морфологик хусусиятлар ўртасидаги боғлиқлик статистик жиҳатдан аҳамиятлиги, мултифокал ва мултицентрик ўсмаларнинг юқори тажовузкорлиги ва хавфли башоратлашни акс эттириш тартиби ишлаб чиқилганлиги натижасида омон қолиш ҳолатини яхшилаш, касаллик асоратларини олдини олиш ва пациентларнинг ҳаёт сифатини ошириш имкони яратилганлиги билан изоҳланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* сут бези саратонининг ўсиш тури ва касалликнинг ҳажми, гистологик тури ва босқичи каби клиник-морфологик хусусиятлар ўртасидаги боғлиқлиги бир кун даволаниш учун сарфланадиган 90000-120000 сўм, умумий назоратга олинганлар учун 9180000-12240000 сўм маблағ иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: сут бези саратонининг ўсиш тури ва ўсманинг умумий ҳажми Ki-67 пролифератив маркери даражаси билан сезиларли боғлиқликни кўрсатмаслиги, сут бези саратонида ўсиш турининг гетерогенлигига чекланган боғлиқлигининг ўрни асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат тиббиёт университетининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2026 йил 31 мартдаги 03-26/1017-t-сон билан тасдиқланган «Методика оценки риска развития и прогноза рака молочной железы у пациентов с различными морфологическими типами роста опухоли» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий вилоят филиали бўйича 24.04.2026 йилдаги 102-сон ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё филиали бўйича 07.05.2026 йилдаги 66-Т-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2026 йил 10 июндаги 10/77-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги*: сут бези саратонинг ўсиш тури ўсманинг умумий ҳажми Ki-67 пролифератив маркери даражаси билан сезиларли боғлиқликни кўрсатмаслиги, сут бези саратонида ўсиш турининг гетерогенлигига чекланган боғлиқлигининг ўрни асослаш орқали касалликнинг оғирлашиши, сут бези фаолиятининг бузилиши ва асоратларнинг олдини олиш ҳамда пациентларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берганлиги билан изоҳланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* сут бези саратонинг ўсиш тури ўсманинг умумий ҳажми Ki-67 пролифератив маркери даражаси билан сезиларли боғлиқликни кўрсатмаслиги, сут бези саратонида ўсиш турининг гетерогенлигига чекланган боғлиқлигининг ўрни асослаш орқали юзага келган сурункали зўрайиш натижасида шифохонада бир кун

даволаниш учун сарфланадиган 90000-120000 сўм, умумий назоратга олинганлар учун 9180000-12240000 сўм маблағ иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: сут бези саратони билан хасталанган беморларда ўсма ўсишининг мултифокал ва мултицентрик тури саратоннинг уч карра салбий ва HER2-мусбат кичик туринининг юқори тарқалиши билан чамбарчас боғлиқлиги, уларнинг янада тажовузкор хулқ-атвори, даволашга чидамлилигининг ошиши ва унифокал ўсишга нисбатан башоратлаш тизмининг ёмонлашишига олиб келишидаги ўрни исботлаш бўйича таклифлар Тошкент давлат тиббиёт университетининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2026 йил 31 мартдаги 03-26/1017-t-сон билан тасдиқланган «Методика оценки риска развития и прогноза рака молочной железы у пациентов с различными морфологическими типами роста опухоли» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий вилоят филиали бўйича 24.04.2026 йилдаги 102-сон ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё филиали бўйича 07.05.2026 йилдаги 66-Т-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2026 йил 10 июндаги 10/77-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* сут бези саратони билан хасталанган беморларда ўсма ўсишининг мултифокал ва мултицентрик тури саратоннинг уч карра салбий ва HER2-мусбат кичик туринининг юқори тарқалиши билан чамбарчас боғлиқлиги, уларнинг янада тажовузкор хулқ-атвори, даволашга чидамлилигининг ошиши ва унифокал ўсишга нисбатан башоратлаш тизмининг ёмонлашишига олиб келишидаги ўрни орқали сут бези фаолиятини яхшилаш ва тиклашда ўрин асосланганлиги билан изоҳланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* сут бези саратони билан хасталанган беморларда ўсма ўсишининг мултифокал ва мултицентрик тури саратоннинг уч карра салбий ва HER2-мусбат кичик туринининг юқори тарқалиши билан чамбарчас боғлиқлиги асослаш орқали юзага келган сурункали зўрайиш натижасида шифохонада бир кун даволаниш учун сарфланадиган 90000-120000 сўм, умумий назоратга олинганлар учун 9180000-12240000 сўм маблағ иқтисод қилинади;

*тўртинчи илмий янгилик:*сут бези саратони билан хасталанган беморларда ўсма ўсишининг мултифокал ва мултицентрик турлари нохуш башоратининг мустақил башоратлашдаги ўрни ва метастазланиш, зўрайиш ва яшовчанлик қисқариши, хавфли асоратлар юқори хавфи билан кучли боғлиқлиги билан исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат тиббиёт университетининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2026 йил 31 мартдаги 03-26/1017-t-сон билан тасдиқланган «Методика оценки риска развития и прогноза рака молочной железы у пациентов с различными морфологическими типами роста опухоли» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий вилоят филиали бўйича 24.04.2026 йилдаги 102-сон ҳамда Республика

ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё филиали бўйича 07.05.2026 йилдаги 66-Т-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2026 йил 10 июндаги 10/77-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* сут бези саратони билан хасталанган беморларда ўсма ўсишининг мултифокал ва мултицентрик турлари нохуш башоратининг мустақил башоратлашдаги ўрни ва метастазланиш, зўрайиш ва омон қолиш қисқариши, хавфли асоратлар юқори хавфи билан кучли боғлиқлиги, пациентларнинг овқатланиш статусини мунтазам баҳолаш ва диспансер кузатувини ташкил этиш орқали касалликнинг эрта асоратларини ўз вақтида аниқлаш ва профилактик чораларни самарали амалга ошириш имкони яратилганлиги билан изоҳланди. *Иқтисодий самарадорлиги:* сут бези саратони билан хасталанган беморларда ўсма ўсишининг мултифокал ва мултицентрик турлари нохуш башоратининг мустақил башоратлашдаги ўрни ва метастазланиш, зўрайиш ва омон қолиш қисқариши, хавфли асоратлар юқори хавфи билан кучли боғлиқлигини асослаш сурункали зўрайиш натижасида шифохонада бир кун даволаниш учун сарфланадиган 90000-120000 сўм, умумий назоратга олинганлар учун 9180000-12240000 сўм маблағ иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 148 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифига бағишланган, унинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациясининг «**Мултифокал ва мултицентрик сут бези саратонининг клиник кечиши ва даволаш тактикасининг ўзига хос хусусиятлари баҳолашнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида сут бези саратонининг мултифокал ва мултицентрик шаклларининг

морфологик, диагностик ва прогностик жиҳатларини ҳар томонлама таҳлил қилишга бағишланган бўлиб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, замонавий ташхислаш усуллари, шунингдек, даволашни индивидуаллаштириш истиқболлари кўрсатилган. Ушбу бобда шаклларнинг юқори даражада тарқалганлиги, уларни аниқлашнинг ўзгарувчанлиги ва ўсма ўчоқларини аниқлаш ва тарқалишини баҳолаш аниқлигини ошириш учун ташхислаш мезонларини стандартлаштириш зарурати очиб беришга қартилган муаллифлик ёндошуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянин **«Клиник материалнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари»** деб номланган **иккинчи** бобида клиник материал ва қўлланилган тадқиқот усулларининг умумий тавсифи берилган. Ушбу тадқиқот Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиалида ўтказилган сут бези саратони ташхиси қўйилган беморлар маълумотларининг ретроспектив таҳлили ҳисобланади. Бизнинг тадқиқотимиз 2011 йилдан 2022 йилгача бўлган даврни қамраб олади ва клиник тадқиқотлар учун белгиланган ахлоқий меъёрларга риоя қилган ҳолда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига асосланган.

Тадқиқот учун маълумотлар беморларнинг тиббий карталари асосида тўпланган.

Маълумот манбаи сифатида амбулатор ва стационар тиббий карталар ҳамда касаллик тарихидан фойдаланилган.

Сўровномага касалликнинг клиник ва морфологик кўринишини тавсифловчи параметрлар киритилган.

Менопауза ҳолати - менопауза ёки сақланиб қолган ҳайз кўриш функцияси, шунингдек, ҳайз кўришнинг бошланиш ёши қайд этилди. Ўсманинг жойлашувини аниқлаш учун сут бези зоналари, шу жумладан иккитадан ортиқ квадрантларнинг мавжудлиги, шунингдек, аниқ квадрантлар (юқори ташқи, юқори ички, пастки ташқи, пастки ички) ва марказий зона баҳоланди. Ўсма контурлари аниқ ёки ноаниқ деб баҳоланди. Ўсманинг жойлашуви бир томонлама ёки икки томонлама эканлиги, шунингдек, ўсма қайси безда жойлашганлиги — чап ёки ўнг безда жойлашганлиги қайд этилган. Ўсмалар сони ва жойлашишига қараб мултифокал, мултисентрик ёки унифокал деб таснифланди. Ўсманинг консистенсияси учта тоифа бўйича баҳоланди: юмшоқ, ўртача зичликдаги ёки қаттиқ. Анамнезда илгари сут бези касалликларининг мавжудлиги ёки йўқлиги қайд этилган.

Ўсманинг тери билан ўзаро муносабати ўзаро таъсирнинг мавжудлиги ёки йўқлиги сифатида баҳоланган. Шунингдек, регионар лимфа тугунларининг иштироки - шикастланишнинг мавжудлиги ёки йўқлиги қайд этилган.

Тўпланган барча маълумотлар сут бези ўсмаларининг клиник, морфологик ва ультратовуш хусусиятларини таҳлил қилиш учун ишлатилган, бу эса олинган маълумотларни тизимлаштириш ва ўсма хусусиятлари ва клиник кўрсаткичлар ўртасидаги муҳим алоқаларни аниқлаш имконини берган.

1-жадвал

Иммуногистокимё тавсифлари

Кўрсаткичлар	Турлар	Абс.	%	95% DI
ER	ER+	61	61,0	50,7 - 70,6
	ER-	39	39,0	29,4 - 49,3
PR	ПР+	57	57,0	46,7 - 66,9
	PR-	43	43,0	33,1 - 53,3
HER 2 neu	HER2neu+	26	26,0	17,7 - 35,7
	HER2neu -	74	74,0	64,3 - 82,3
молекуляр кичик тур	люминал А кичик тури	21	21,4	13,8 – 30,9
	люминал Б кичик тури, HER2neu манфий	14.	14,3	8,0 - 22,8
	люминал Б кичик тури, HER2neu мусбат	30	30,6	21,7 - 40,7
	HER2neu мусбат кичик тури	8.	8,2	3,6 – 15,5
	уч карра негатив кичик тур	25	25,5	17,2 - 35,3

Гистологик тадқиқотлар учун тайёрланган дастлабки тўқима кесмаларидан ИГК ўтказиш учун фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилди.

Диссертациянинг **«Ўсмаларнинг морфологик ва клиник хусусиятларининг сут бези саратонини ўсиш тури билан боғлиқлиги»** деб номланган **учинчи** бобида турли хил параметрлар: беморларнинг ёш хусусиятлари, репродуктив омиллар, ўсмаларнинг гистологик ва молекуляр хусусиятлари, шунингдек, клиник натижалар комплекс таҳлил қилинган.

Унифокал, мултифокал ва мултицентрик вариантларни ўз ичига олган сут бези саратонининг ўсиш турига қараб ўсма хусусиятларини таҳлил қилиш кўплаб статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқларни аниқлади, бу касалликнинг ушбу шаклларининг турли хил морфологик ва молекуляр гетерогенлигидан далолат беради. Хусусан, энг яққол ифодаланган боғлиқлик ўсма тугунлари сони билан аниқланди: унифокал ўсмаларда асосан битта тугун кузатилади, мултифокал ва мултицентрик шаклларда эса кўпинча иккита ёки ундан ортиқ ўсма ҳосилалари мавжудлиги қайд этилади, бу статистик кўрсаткич $p<0,001$ билан тасдиқланади. Бу мултифокал ва мултицентрик ўсмаларда морфологик манзаранинг юқори тарқалиши ва мураккаблигидан далолат беради, бу эса босқичлиликни ташхислаш ва даволаш тактикасини танлашда алоҳида эътиборни талаб қилади. Шунингдек, таҳлилнинг муҳим натижаси мултифокал ва мултицентрик ўсмаларда инфильтрацияланувчи канал саратонининг юқори частотаси ($p< 0,002$) бўлиб, бу шаклларнинг кўпроқ тажовузкорлиги ва инвазив ўсишга бўлган юқори салоҳиятидан далолат беради. Кучсиз дифференциаллашган G III каби ўсмаларнинг дифференсиалланиш даражасига келсак, статистик аҳамиятга қарамай, фарқлар камроқ ифодаланган ва қатъий $p < 0,05$ даражасига етмаган, бу эса қўшимча тадқиқотлар зарурлигини кўрсатади. Шу билан бирга, ER, PR, HER2 статуси, молекуляр субтиплар (люминал А, люминал В HER2-манфий, HER2-

мусбат, уч марта манфий) каби параметрлар ўсиш типлари ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқларни кўрсатмади (p>0,05).

Олинган маълумотлар сут бези саратони патогенетик механизмларининг мураккаблигини таъкидлайди ва касалликни даволаш ва оқибатини башорат қилишга индивидуал ёндашувни шакллантириш учун барча клиник-патологик ва молекуляр кўрсаткичларни комплекс таҳлил қилиш зарурлигини кўрсатади.

Биз томонимиздан ўсиш турига қараб ҳажм таҳлили ўтказилди.

2-жадвал

Ўсиш турига қараб ҳажм таҳлили

Кўрсаткичлар	Турлар	ҳажм			p
		Me	Q1-Q3	n	
Ўсиш тури	унифокал ўсиш	12,39	9,04 – 14,98	44	0,002*Рмултифокал ўсиш - унифокал ўсиш = 0,008Рмултимарказли ўсиш - унифокал ўсиш = 0,012
	мултифокал ўсиш	20,16	13,32 - 25,29	30	
	кўп марказли ўсиш	18,69	11,92 - 26,63	26	

* - кўрсаткичлардаги фарқлар статистик жиҳатдан сезиларли (p< 0,05)

2 жадвалда берилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ўсиш турига қараб ўсма ҳажмини таҳлил қилиш - унифокал, мултифокал ва мултицентрик - бир қатор муҳим ва аҳамиятли фарқларни аниқлади, бу юқори даражадаги статистик аҳамият билан тасдиқланади (p= 0,002). Олинган маълумотларга кўра, унифокал ўсманинг ўртача ҳажми 12,39 бирликни ташкил этди, квартилларараро диапазон 9,04 дан 14,98 гача, бу эса ўсма тугунининг нисбатан кичик узунлиги ва массасидан далолат беради. Мултифокал ўсмаларда эса ўртача ҳажм 20,16 га етди, квартилларараро диапазон 13,32 дан 25,29 гача, бу шаклларни тавсифловчи янада массив ва тармоқланган ўчоқлардан далолат беради. Худди шундай, кўп марказли ўсмалар катта ҳажмни намоён этади - ўртача 18,69 ва квартилларараро диапазон 11,92 дан 26,63 гача. Краскел-Уоллиснинг нопараметрик мезони ёрдамида ўтказилган статистик таҳлил гуруҳлар ўртасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли эканлигини тасдиқлади (p<0,05), бу эса ўсма жараёнларининг морфологик вариантига қараб турли давомийликда юқори ишончлилик мавжудлигини кўрсатади.

Умуман олганда, маълумотлар индивидуаллаштирилган ёндашув самарадорлигини ошириш ва клиник натижаларни яхшилаш мақсадида ўсма ҳажмини таҳлил қилишни сут бези саратонини ташхислаш ва даволашнинг стандарт протоколларига интегратсиялаш зарурлигини тасдиқлайди.

Диссертациянинг **«Сут бези саратонида ўсма ҳажми билан боғлиқ омиллар таҳлили ва уларнинг прогностик аҳамиятини натижалари»** деб номланган **тўртинчи** бобида ўсма ҳажмининг касаллик кечишининг турли жиҳатлари билан ўзаро боғлиқлиги, унинг прогностик аҳамияти ва клиник амалиётда фойдаланиш имкониятлари кенг қамровли таҳлил қилинган. Тадқиқот ҳажмнинг ўсманинг кимётерапияга жавобига таъсирини, метастазланиш мавжудлигини, гистологик вариантнинг табиатини, шунингдек, ROC-таҳлил усуллари ва коррелияцион тадқиқотлар ёрдамида башорат қилувчи моделлар натижаларини қамраб олади, бу эса беморнинг

аҳволини ҳар томонлама баҳолаш ва даволаш чораларини режалаштиришда унинг ролини аниқлаш имконини беради.

3-жадвал

Ҳажмнинг дискриминацион қобилияти таҳлили

Чегара	Сезгирлик (Se), %	Узига хослик (Sp), %	PPV	NPV
16,45	52,5	70,0	53,8	68,9
16,00	52,5	66,7	51,2	67,8
15,89	52,5	65,0	50,0	67,2
15,78	55,0	63,3	50,0	67,9
15,23	57,5	60,0	48,9	67,9
14,67	**57,5**	**55,0**	**46,0**	**66,0**
14,56	60,0	55,0	47,1	67,3
14,34	60,0	51,7	45,3	66,0
14,33	62,5	51,7	46,3	67,4
13,89	62,5	50,0	45,5	66,7
13,57	67,5	50,0	47,4	69,8

3 жадвалда прогнозни баҳолаш учун дифференциация даражаси, метастазларнинг мавжудлиги ва молекуляр маркерлар каби кўрсаткичлар муҳимроқ ҳисобланади, ҳажм эса унинг динамикаси ёки кейинги ривожланиш эҳтимоллигидан кўра кўпроқ маҳаллий шикастланиш кўламини тавсифлайди. Умуман олганда, олинган маълумотлар касаллик оқибатларини башорат қилишда комплекс ёндашув зарурлигини таъкидлайди, бунда ўсма ҳажми башоратнинг асосий мезони сифатида эмас, балки кўплаб омиллардан бири сифатида қаралади. Ушбу натижалар ўсманинг ўлчами ва унинг хавфли хусусиятлари ёки клиник кечиши ўртасидаги кучсиз боғлиқликни кўрсатадиган бошқа тадқиқотлар натижаларини тасдиқлайди. ROC таҳлили ёрдамида нохуш прогноз гуруҳининг ҳажмий дискриминатсион қобилиятини баҳолашда қуйидаги эгри чизиқ олинди.

